

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**



**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ: ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ  
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ЗАМОНАВИЙ  
АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ  
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*Республика илмий-амалий конференцияси*

**ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ВА МАЪРУЗАЛАР ТЎПЛАМИ**

*2019 йил 2 декабр*

**ТОШКЕНТ – 2019**

ФАЙЗИЕВА Н.Р.	ВЛИЯНИЕ ДОХОДЫ ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ НА ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ	94
ХАШИМХОДЖАЕВ Ш.И.	ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ	99
САБИРОВ Х.Н.	ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ	105
NAZAROV N.G'.	O'ZBEKISTONNING XALQARO INTEGRATSIYASI SHAROITIDA ERKIN IQTISODIY HUDUDLAR FAOLIYATINI YANADA TAKOMILLASHTIRISH CHORA-TADBIRLARI	109
МАКСУДОВ Ш.Х.	ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛАШТИРИШ.	113
TURSUNOV U. A.	МАКРОИҚТИСОДИЙ КО'РСАТКИЧЛАР О'RTASIDAGI BOG'LANISHNI GRANGER TESTI YORDAMIDA TAHLIL QILISH	121
АНМАДЖАНОВ А. А.	O'ZBEKISTONDA HUDUDLARIDA INVESTITSIYA FAOLIYATINI AMALGA OSHIRISHDA DAVLAT BUDJETI, DAVLAT KAFOLATI OSTIDAGI INVESTITSIYALAR VA DAVLAT MAQSADLI JAMG'ARMALARINING AHAMIYATI	124
САБИРОВ Х.Н.	ОЗИҚ – ОВҚАТ САНОАТИНИНГ ХУДУДЛАРДА ЖОЙЛАШУВИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ	127
МАКСУДОВ Ш.Х.	КОРХОНАЛАР БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ	131
АЛИМОВ Р.Х. ДЖУМАНИЯЗОВ Ш.Р.	МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АҲАМИЯТИ ВА МУАММОЛАРИ	135
MUMINOVA M NURULLAYEVA SH	SIFATLI MAHSULOTLAR ISHLAB CHIQRISHDA RAQAMLI IQTISODIYOTNI ROLI	138
NARMANOV.U.A MAQSUDOV.A.M	RAQAMLI IQTISODIYOTNING MEHNAT BOZORIDAGI O'RNI	142
MUMINOVA M NURULLAYEVA SH ABDUQAYUMOV A	RAQAMLI IQTISODIYOT: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR	147
ШАМСИЕВА Ф. М.	РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ – МАМЛАКАТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР	156
ТОҲИРОВ J МУҲАММАДИЙЕВ D	KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA BANK MOLIYA TIZIMINING ROLI	160
МУМИНОВА М НУРУЛЛАЕВА Ш	ЎЗБЕКИСТОН РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТИДА БАНКЛАРНИНГ РОЛИ	164
2- шўъба. МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ ОБЪЕКТЛАРИДА АХБОРОТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ВА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.		

qurollantirish maqsadidagi investitsiyalarini avvalambor o'z mablag'lari hisobidan amalga oshirishlari bilan bog'liq. Shuningdek, neft va gaz qazib chiqarish uchun imkoniyati bor barcha hududlarda ( Ustyurt, Buxoro-Xiva, Xisor, Surhondaryo va boshqa hududlarda) qidiruv burg'ulash ishlarining olib borilishi, gazni desulfurizatsiyalovchi 3 ta yangi blok qurilishi, Sho`rtan gaz kimyo kompleksi ishlab chiqarish quvvatini kengaytirish, Gazli gaz konlarini kompleks ishlab chiqarishga tayyorlash va boshqa ko`plab gaz - kimyo sanoatini rivojlantirish va kengaytirishga yo`naltirilgan investitsiyalar ham boshqa moliyalashtirish manbalari bilan korxonalar va tashkilotlarning o'z mablag'lari ishtirokida amalga oshirilmoqda.

### **ОЗИҚ – ОВҚАТ САНОАТИНИНГ ХУДУДЛАРДА ЖОЙЛАШУВИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ**

Сабиров Хасан Нусратович  
ТДИУ таянч докторанти

Саноатни рационал жойлаштириш илмий – техник тараққиёт ва ишлаб чиқари ҳажми билан биргаликда тармоқнинг самарали фаолият кўрсатиши учун муҳим шарт ҳисобланади. Айни бир вақтда улар тармоқни ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилларидан биридир. Саноатни рационал жойлаштириш учун муваффақиятли фаолият кўрсатиши билан бирга хомашё ва ресурсларни олиб келтириш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш бўйича барча транспорт сарфларини минимум даражасини таъминлаши керак.

Саноатни жойлаштириш миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари каби ўз қонуниятларига эга.

Саноатни жойлаштиришнинг асосий принципларига қуйидагилар киради:

1. Корхоналарни хомашё, энергия манбаларига ва истеъмол хуудларига максимал яқинлаштириш.

2. Энг яхши табиий ва социал – иқтисодий шарт – шароитлар мавжуд иқтисодий ҳудудларни маълум тармоқларга ихтисослаштириш ва уларни комплекс ривожлантириш.

3. Халқаро меҳнат тақсимотини ҳисобга олиш.

4. Мамлакатнинг турли ҳудудлари иқтисодиётини текислаш.

5. Мамлакатнинг мудофаа қобилиятини ҳисобга олиш.

6. Транспорт харажатларини минимизациялаш учун саноат корхоналарини бозор эҳтиёжига мос равишда жойлаштириш.

7. Табиий ва меҳнат ресурсларидан максимал фойдаланиш заруриятини ҳисобга олиш.

Озиқ – овқат саноати тармоқлари уларни жойлаштириш характерига жиддий таъсир кўрсатувчи алоҳида хусусиятларига эга. Уларнинг асосийларига қуйидагилар киради:

1. Хомашёнинг турли хилларини ишлаб чиқаришнинг мавсумий характери.

2. Хомашёнинг баъзи турларини транспортда ташиб бўлмаслиги.

3. Хомашё қатор турларини транспортда ташишни ўзини иқтисодий оқламаслиги.

4. Асосий маҳсулот билан бир қаторда турли озиқ – овқат ва ноозик – овқат маҳсулотлари олишга имкон берадиган қайта ишланадиган органик хомашёнинг кўп компонентлилиги.

5. Кўпчилик озиқ – овқат маҳсулотларини ҳамма жойда истеъмол қилиш характери.

6. Аҳолида тайёр озиқ – овқат маҳсулотларини транспортда ташиш ўзини иқтисодий оқламаслиги.

7. Ишлаб чиқаришни бозор эҳтиёжларига кўра доимо ва масштабни диверсификациялаш зарурияти.

8. Ишлаб чиқаришни концентрациялаштириш, ихтисослаштириш, кооперациялаш ва комбинациялаштиришнинг ўзига хос характери.

9. Озиқ – овқат маҳсулотларининг таннархида ва баҳосида транспорт харажатлари улушининг кўплиги.

Кўрсатиб ўтилган омиллар озиқ – овқат саноати тармоқларни жойлаштириш ўзига хослигини ифодалайди, умуман, хомашё ва маҳсулотга эҳтиёж шартлари билан белгиланади. Ушбу бош омиллар билан боғлиқ озиқ – овқат саноати таркибида уч гуруҳ тармоқларни фарқлаш зарур. Корхоналар хомашё манбалари яқинига жойлаштириш мақсадга мувофиқ тармоқлардир. Улар жумласига хомашё сарфи тайёр маҳсулот миқдоридан анча кўп ишлаб чиқаришлар киради (хомашё ва материаллар кўп талаб қилувчи тармоқлар).

Корхоналарнинг тайёр маҳсулоти истеъмол қилинадиган ҳудудларга яқин тармоқлар. Бунга тайёр маҳсулот ҳажми дастлабки хомашёга нисбатан кўпроқ ва тезроқ бузиладиган ишлаб чиқаришлар киради (нон пишириш, кондитер, сут саноати ва бошқа тармоқлар).

Учинчи гуруҳга қишлоқ хўжалик хомашёсига ўз жойида дастлабки ишлов берувчи, яқунловчи жараёнлар эса (қуйиш, қадоқлаш ва ҳ.к.) тайёр маҳсулотни истеъмол қиладиган ҳудудларда амалга ошириладиган ишлаб чиқаришлар киради. Уларга виночилик (бирламчи ва иккиламчи вино заводлари), чой ишлаб чиқариш (чойни ферментлаш ва қадоқлаш фабрикалари), тамакичилик (ферментлаш ва тамаки фабрикалари), гўшт, ун ва бошқа тармоқлар.

Озиқ-овқат саноатини ҳудудлар бўйлаб жойлашуви ва ривожланишида табиий-иқтисодий шароит, умумий маънодаги ҳудудий инфратузилманинг ривожланганлиги, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг нисбати ҳамда малакали ишчи кадрларнинг мос келиши, илмий-техник марказларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш каби омиллар муҳим рол ўйнайди. Озиқ-овқат саноатининг ҳар бир турдаги тармоғини маълум бир ҳудудда жойлаштириш ва ривожлантиришда тармоқнинг қуйидаги хусусиятларини ўрганиш керак бўлади:

– озиқ-овақат саноати тармоқларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига боғлиқ бўлган хом ашёларнинг қайта ишланиши;

– технологик жиҳатдан бу тармоқлар учун кимёвий ва биокимёвий жараёнлар муҳимлиги;

– озиқ-овақат саноати тармоқларида хом ашёдан тайёр маҳсулот олиш учун юқори ёки жуда паст температурада ишлов бериш зарур бўлиши;

– хом ашёга термик ва биокимёвий ишлов бериш ва шунингдек бошқа турдаги ишловлар бутун технологик тизимни шакллантиришни талаб қилишидир.

Озиқ-овқат саноатининг кўпгина тармоқларини республикамизнинг барча иқтисодий ҳудудларида, баъзи бир тармоқларни эса муайян ҳудудларда жойлаштириш мумкин. Буларга – қандолат, ун-ёрма, макарон каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш. Кундалик истеъмол маҳсулотларидан нон, сут, гўшт ва алкогольсиз ичимликлар саноати эса ҳар бир аҳоли пунктида жойлаштирилиши керак. Бироқ шакар, ёғ-мой, консерва, спирт, виночилик ва шу каби бошқа тармоқларни хом ашё базасига яқин жойда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиб, корхоналарни жойлаштиришни асосли режалаштириш ва иқтисодий таҳлил жараёнида ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини тўғри ҳисобга олиш, ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг умумий тамойилларига асосланиш саноат тармоқларини жойлаштиришнинг юқори самарадорлигини таъминлайди ва ижтимоий меҳнат самарадорлиги ошади.

Аҳолининг турмуш даражаси кўп жиҳатдан агросаноат комплекснинг ҳолати ва ривожланиш даражасига боғлиқ. Истеъмол бозори асосан қишлоқ хўжалик хомашёсидан тайёрланган озиқ – овқат маҳсулотлари ва товарлари ҳисобига шакилланади.

Озиқ – овқат саноати тармоқларининг асосий вазифаси фан талабларига мос равишда саломатлик учун хавфсиз, биологик тўла қимматли озиқ – овқат маҳсулотларини аҳолининг ҳамма гуруҳларига зарур миқдорда ва ассортиментда ишлаб чиқаришдан иборат.

Қишлоқ хўжалик ҳомашёсини қайта ишлаш ва озиқ – овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияси, маълумки, механика, электротехника, микроиктисодиёт, макроиктисодиёт, биофизика, биокимё, биотехнология, нанотехнология, саноат иқтисодиёти ва бошқа илмий йўналишларнинг ютуқларига асосланади. Бу соҳалардаги энг сўнгги ютуқлардан фойдаланмасдан туриб саноатни ривожлантиришнинг янги босқичига ўтиш, қишлоқ хўжалик хомашёсини комплекс қайта ишлаш самарадорлигини ошириш, юқори сифатли озиқ – овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, чиқиндиларни минимизациялашга эришиш мумкин эмас.

Янги озиқ – овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хомашёни қайта ишлашнинг замонавий индустриал методларига, автоматлаштирилган узлуксиз технологик жараёнларга асосланади.

## **КОРХОНАЛАР БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Ислом Каримов номидага  
Тошкент Давлат Техника Университети  
Магистранти Ш. Х. Максудов**

Дунё аҳолисининг ўсиб бориши, экологияни ёмонлашуви, инвестицион фаолликнинг кучайиши, иқтисодий ўсиш сифатини яхшилаш, инсон капитали ва энг илғор, юқори технологияларга асосланган инновацион иқтисодиётга ўтишни тақозо этмоқда. Зеро, «Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак.» Дарҳақиқат, Ўзбекистонда инновацион менежмент стратегияларини амалга оширишда хорижий тажрибани ўрганиш ва уларнинг исботланган ижобий жиҳатлари юзасидан чуқур илмий тадқиқотлар ўтказилиши лозим. Мамлакат товар экспорти таркибида юқори технологияли тайёр маҳсулотлар улушини ошириш, инновацияларни амалиётга қўллашни жадаллаштириш ва